

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

552 Ўзбекистон Республикасида давлат уй-жой фондини
хусусийлаштириш тўғрисидаги низомга ўзгартириш
киритиш ҳақида

Мавжуд давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тартибини янада та-
комиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 мартдаги 114-сон қарори би-
лан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида давлат уй-жой фондини ху-
сусийлаштириш тўғрисидаги низом 14-бандининг иккинчи хатбоши қуйида-
ги тахрирда баён қилинсин:

«улар яшаётган ва ҳозирги вақтда доимий пропискада бўлган алоҳида
уйларни (уйларнинг бир қисмини), квартираларни, худди шунингдек Ўзбе-
кистон Республикасининг «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий
прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Қонуни кучга киргунгача берилган идоравий хужжат (ордер) асосида Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида турар жой мақомини олган ётоқхоналарда доимий яшаб келаётган ҳамда бўлиш жойида ҳисобда турган фуқароларга қолдиқ (баланс) қийматидан ва уй-жойнинг фойдаланиш сифатини ҳисобга олган ҳолда белги-ланган нархлар бўйича сотиш».

2. Ўзбекистон Республикасининг «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Қонуни кучга киргунгача идоравий хужжат (ордер) асосида турар жой мақомини олган ётоқхоналардаги квартираларни хусусийлаштиришга доир битимларни нотариал тасдиқлашга ҳамда Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида давлат рўйхатидан ўтказишга, квартирани сотиб олаётган жисмоний шахс бўлиш жойида ҳисобда турган тақдирда, 2018 йил 1 июлгача истисно тариқасида рухсат этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

2017 йил 1 июлгача бўлган муддатда — Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳокимликлари билан биргаликда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг идоравий хужжат (ордер) асосида кўчиб кирган шахслар яшаб келаётган хусусийлаштирилмаган давлат уй-жой фондини (ётоқхоналарни) хатловдан ўтказсин ва уларнинг рўйхатини тузсин;

2018 йил 1 июлгача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида ахборот ва ушбу қарор нормаларининг амалда қўлланишини ўрганиш асосида 2-бандда кўрсатиб ўтилган битимларни нотариал тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш муддатини узайтиришнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида таклифлар киритсин.

4. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари билан биргаликда ушбу қарорнинг 3-бандида кўрсатилган шахслар тоифалари ўртасида уларга турар жойни хусусийлаштириш юзасидан берилаётган ҳуқуқлар тўғрисида тушунтириш ишлари ўтказсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 22 июнь,
413-сон